

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”**

**Акциядорлик компанияси нинг  
2021-2023 йиллар учун  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

**Тошкент 2021**

## **Мундарижа:**

1. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАДИ .....	3
2. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....	5
2.1 “Ўзбектелеком” АКнинг ташкил топиши.....	5
2.2. Компаниянинг реквизитлари, устав жамғармаси ва таркибий тузилмаси .....	6
2.3. “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фаолияти.....	8
2.4. “Ўзбектелеком” АКнинг халқаро муносабатлари .....	9
3.“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ .....	10
4. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ БОЗОРИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИНИ БАҲОЛАШ .....	13
4.1. Телекоммуникация бозорига таъсир кўрсатувчи омиллар ва трендлар .....	13
4.2. “Ўзбектелеком” АКнинг асосий телекоммуникация бозори кўрсактқичлари .....	13
4.3. Режалаштирилган кўрсактқичлар ва уларга эришиш шартлари .....	14
4.4. Режалаштирилган тадбирлар .....	15
4.5. Махаллий операторлар билан муносабатлар .....	17
5. КОМПАНИЯНИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОГИНИНГ ТЕХНИК ЭСПЛУАТАЦИЯСИ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРИ .....	18
5.1. Телекоммуникация тармоғининг техник эсплуатация таҳлили .....	18
5.2. Компаниянинг телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ишлашини таъминлаш .....	18
5.3. 2021 йилда Компания телекоммуникация тармоқларини меъёрда сақлаш учун моддий ресурслар базаси .....	19
6. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ .....	20
6.1. Компанияда меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги .....	20
6.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш .....	21
7. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР .....	22
7.1. Компаниянинг асосий фаолиятидан даромадлари .....	22
7.2. 2021-2023 йй.га Молиявий-иқтисодий режа .....	25

## **1. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАДИ**

“Ўзбектелеком” АК (Компания)нинг 2021-2023 йиллар учун бизнес-режаси:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони;

- “Ўзбектелеком” АКнинг “2020-2030 йиллардаги ривожлантириш стратегияси” асосида ишлаб чиқилди.

Компания охирги йиллар давомида мунтазам равишда телекоммуникация тармоғини модернизациялаштириш эвазига, ўз тармоғи технологик имкониятларини жиддий мустаҳкамлаб, овозли ва пакетли коммутация халқаро боғламалари имкониятларини кенгайтириш ишларини амалга ошириб келмоқда. Буларнинг барчаси, сўзсиз Компаниянинг республикада кучли инфратузилмали алоқа оператори мавқеини саклаб қолиш ва мустаҳкамлашга имкон бермоқда.


Компаниянинг мазкур 2021-2023 йил бизнес режасида кўзланган асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

1) телекоммуникация хизматлари бозорининг барча сегментларида етакчи ўринларга чиқиш ва мобил алоқа хизматлари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш, мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари ва бошқалар)нинг телекоммуникация хизматларига бўлган талабларини тўлиқ қондириш ва Компания рақобатбардошлигини ошириш;

2) кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш ва барқарорлигини таъминлаш, янги хизмат кўрсатиш форматини жорий этиш;

3) даромадларнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва соф фойда миқдорини янада ошириш;

4) аҳолининг Интернет ва мобил хизматларга бўлган талабини қондириш, Интернет хизматлари тезлигини ва сифатини ошириш, нархини



камайтириш, ҳалқаро интернет трафигини маҳаллийлаштириш (локализация) чораларини кўриш;

5) Республикада ахборот-коммуникация технологияларни янада ривожлантириш мақсадида маҳаллий операторлар билан самарали ҳамкорлик ишларни ташкил этиш;

6) Компания телекоммуникация тармоғини барқарор ривожлантириш ва янги технологияларни жорий этиш мақсадида янги лойиҳаларни амалга ошириш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Компания ўз олдига қуидаги чоратадбирларни амалга оширилишини белгилаб қўйган:

- телекоммуникация тармоқларини ва линия кабел хўжалигини техник меъёрга келтириш, телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича дизел генераторлар ва муқобил электр таъминоти қурилмаларини ўрнатиш;

- Компаниянинг тариф сиёсатида янги истеъмолчиларни жалб этиш ва телекоммуникация хизматлардан фойдаланаётган доимий истеъмолчилар билан ўзаро манфаат асосидаги муносабатларни мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиш ва жозибадор тариф сиёсатини жорий этиш;

- Компания экспорт салоҳиятини ошириш йўналиши бўйича хорижий операторлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш, мавжуд ҳалқаро ўтиш нуқталарининг ўтказувчанлик қувватини янада ошириш ва уларни захиралаш орқали Ўзбекистон Республикаси орқали ўтадиган ҳалқаро транзит каналлари сони ва ҳажмини ошириш, кирувчи ҳалқаро телефон трафиги ҳажмини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чораларини кўриш ҳамда улар учун белгиланган ҳисоб-таксалар микдорини қайта кўриб чиқиш орқали даромадларни кўпайтириш;

Компаниянинг 2021-2023 йиллар Бизнес-режасида инобатга олинган вазифалардан келиб чиқиб, асосий кўрсаткичларнинг эришилишида Ҳукумат томонидан белгиланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлаш муҳим омил қилиб олинган.



## **2. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

### **2.1 “Ўзбектелеком” АКнинг ташкил топиши**

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 июндаги “Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2647-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 253-сон Қарорига асосан “Маҳаллий Телеком” ва “Халқаро Телеком” акциядорлик жамиятларининг қўшилиши натижасида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ташкил топган.

“Ўзбектелеком” АК таркибида кирувчи компанияларни филиаллар сифатида бирлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятларини қайта ташкил қилиш (холдинг тузилмасидан операторлик компаниясига айлантириш). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги “Ўзбектелеком” АК хусусийлаштиришга тайёрлаш чоралари тўғрисидаги” 488-сон қарори билан “UzNet” шўъба корхонаси “UzNet” маълумот узатиш идоралароро тармоқ барча функциялари ва вазифалари “UzNet” филиали сифатида “Ўзбектелеком” АКга бирлаштирилди.

Ўкув жараёнини такомиллаштириш ва “Ўзбектелеком” АК мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида Кузатув кенгашининг 2003 йил 4 мартағи қарори билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) ва Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) бевосита иштирокида “Инженер-техник маркази” (ИТМ) ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди (ҳозирда “Телекомуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиали).

Фаолият янги турини ўзлаштириш - CDMA-450 стандартида симсиз радиоуланиш хизмати кўрсатиш мақсадида 2003 йилда “Ўзбектелеком Мобайл” филиали ташкил этилди, унинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси симсиз алоқа умуммиллий тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда компаниянинг “Ўзбектелеком Мобайл” филиали CDMA-450 стандарти асосида республиканинг барча минтақаларида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборот-коммуникацион технологиялари масалалари бўйича Комплекси Кўмита мажлисининг 2004 йил 6 апрелдаги ва “Ўзбектелеком” АКнинг Кузатув кенгашининг 2004 йил 26 майдаги 39-сон қарори билан “Ўзбектелеком” АК “UzNet” филиали “Интал Телеком” филиалига бирлаштирилади. Янги ташкил этилган филиал “UzNet” номи билан аталади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПҚ-149-сон “Маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва “Ўзбектелеком” АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан UzPAK “Ўзбектелеком” АКнинг “UzNet”

филиали (“Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали) билан бирлашиш хисобига “Ўзбектелеком” АКнинг филиалига айлантирилди. Ҳозирда “Бизнесни ривожлантириш маркази” филиали тугатилиб асосий восита ва хизмат кўрсатилаётган мижозлар худудий филиаллар ўртасида тақсимланган.

2011 йилда “Ўзбектелеком” АК томонидан Ребрендинг ўтказилди ва янги UZTELECOM™ бренд ва “Ўзбектелеком” АК суббрэндлари — UZMOBILE™ ва UZONLINE™ брендларини кенг миқёсда илгари суриш режалаштирилди, улар “Ўзбектелеком” компанияси ва унинг тузилма бўлинмалари хизматларини илгари суриш ягона комплекс кўргазмали стратегиясини яратишга йўналтирилган.

2015 йил 1 марта Компания “ЎзМобайл” филиали томонидан GSM/CDMA стандартлари асосида мобил алоқа хизматларини кўрсатиб келмоқда.

“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2019 йил 8 ноябрдаги 339-сон мажлисида “O’zbektelecom International” МЧЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорига биноан “Ўзбектелеком”нинг Самарқанд, Жizzах, Қашқадарё, ва Сурхондарё худудий филиаллари таркибида Самарқанд, Жizzах, Қарши ва Термиз шаҳар телекоммуникация боғламалари ташкил этилди.

2020 йил март ойидан бошлаб Компания томонидан кўрсатиладиган барча телекоммуникация хизматлари ягона UZTELECOM™ савдо белгиси остида кўрсатиб келинмоқда.

## **2.2. Компаниянинг реквизитлари, устав жамғармаси ва таркибий тузилмаси.**

**Компаниянинг тўлиқ номи:** “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси;

**Таъсис этилган йили:** 2000 йил;

**Лицензиялар:**

1. Маҳаллий телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005657;

2. Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 03.11.2015 йил, №АА 0005718;

3. Халқаро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005659;

4. Маълумотлар узатиш тармоқлари лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005661;

5. Мобил алоқа (уяли) тармоқларни лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 03.11.2015 йил, №АА 0005717;

6. Телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш, берилган муддат 21.08.2015 йил, №АА 0005662.

7. Уй-жой хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш (берилган вақти 31.01.2017 йил №002166)

**Ташкилий – хуқуқий шакли:** акциядорлик жамияти;

**Банк реквизитлари:**

Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 97 “А”-уй,

тел: (+99871) 239-23-07,

факс: (+99871) 238-01-88,

E-mail: [info@uztelecom.uz](mailto:info@uztelecom.uz),

веб-сайт: [www.uztelecom.uz](http://www.uztelecom.uz);

**Компания устав жамғармаси:**

Компания Устав фонди 217 435 313 664 (икки юз ўн етти миллиард тўрт юз ўттиз беш миллион уч юз ўн уч минг олти юз олтмиш тўрт) сўмни ташкил қиласди.

- давлат улуши – 94,76 фоиз ёки 206 051 696 820 (икки юз олти миллиард эллик бир миллион олти юз тўқсон олти минг саккиз юз йигирма) сўм (178 554 330 дона оддий акциялар);

- бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши – 5,24 фоиз ёки 11 383 616 844 (ўн бир миллиард уч юз саксон уч миллион олти юз ўн олти минг саккиз юз қирқ тўрт) сўм (9 864 486 дона имтиёзли акция).

Компания Устав фонди номинал қиймати 1 154 сўм бўлган умумий 188 418 816 (бир юз саксон саккиз миллион тўрт юз ўн саккиз минг саккиз юз ўн олти) дона хужжатсиз акцияларга бўлинган, шундан 178 554 330 (бир юз етмиш саккиз миллион беш юз эллик тўрт минг уч юз ўттиз) дона эгаси ёзилган оддий ва 9 864 486 (тўққиз миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг тўрт юз саксон олти) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларни ташкил қиласди.

### **2.3. “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фаолияти**

Компания ўз тармоғи билан бутун республикамиз ҳудудини қамраб олган Ўзбекистон Республикасида энг йирик телекоммуникация операторидир. Замонавий технологиялар асосида курилган ўз телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, Компания телекоммуникация хизматларини тақдим этади.

Бутун Ўзбекистон ҳудудида куннинг исталган вақтида аҳоли ва давлат тизимлари, идораларини энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш Компаниянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Барча истеъмолчиларига бутун республика ҳудудларида телекоммуникация хизматларини тақдим этиш Компаниянинг иқтисодий фаолияти асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, асосан анъанавий овозли алоқа ва Интернет тармоғига уланиш хизматлари билан бир вақтда Компания симли ва симсиз технологиялар бўйича маълумотлар узатиш замонавий хизматларини тақдим этади.

Бундан ташқари бугунги кунда Компания томонидан ахолининг кенг оммаси учун янги хизмат турлари “Уйгача оптика” технологиялари бўйича HD форматида телевизион дастурини узатиш имконияти билан IPTV интерактив телевидения, видеотелефония ҳамда Компания корпоратив мижозлари учун видеоконференц алоқа ҳизматини кўрсатиб келмоқда.


Шу билан бирга, компания бошқа операторларни улаш, алоқа операторлари ва провайдерларига каналларни ижарага бериш хизматларини тақдим этади.

CDMA/GSM стандартларидаги мобил симсиз алоқа кенг ривожланиб келаётган истиқболли хизматлардан бири ҳисобланади.

Компания учун анъанавий йўналишларда рақобатнинг кучайиши ҳамда республикада ҳозирги даврда кучли алоқа оператори мавқесини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш шароитларида Компания янги бозорларни очиш ва инновация сервисларни ривожлантириб, иқтисодий фаолиятини фаол диверсификациясини олиб бормоқда.

Компанияни республикада янада жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар ва инфратузилмага эга. Компания телефон станциялари ва магистрал алоқа каналлари кўп қисмини модернизациялаштириб, ўз тармоғи технологик имкониятларини кескин мустаҳкамламоқда ва кенгайтироқда.

Республика бўйича туман марказлари миқёсида маънавий эскирган аналог телефон станциялари замонавий рақамли станцияларга алмаштирилди. Оптик-толали алоқа линиялари асосида юқори тезлиқдаги рақамли каналлар яратилган тармоқни кенгайтириш ва унинг ишонччилигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яратилган инфратузилма симсиз технологияларни, хусусан, мобил алоқани тез суръатлар билан ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи.



Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғи 2,1 миллиондан ортиқ рақамлар сифимига эга бир мингдан кўп АТСлардан ташкил этилган, уларнинг 100 фоизи рақамили ҳисобланади. Маҳаллий телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш электр алоқа тармоқлари иши сифатини анча оширишга имкон берди, тармоқ абонентларига янги хизмат турларини тақдим этишни таъминлади ҳамда фойдаланувчилар кенг доирасига Интернет тармоғига юқори тезликда уланишни ташкил этишга имкон берди.

Компаниянинг транспорт тармоғини кўп босқичли бошқаришни таъминловчи замонавий SDH тармоқ технологияларидан фойдаланиш билан оптик-толали ва радиорелели линиялар асосида ташкил этилган. Тақдим этилаётган янги хизмат турларининг юқори сифатини таъминлаш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадида STM-1/4/16/64, DWDM ҳамда IP/MPLS туридаги юқори тезликда узатиш тизимларига босқичмабосқич ўтиш амалга оширилмоқда.

#### **2.4. “Ўзбектелеком” АҚнинг халқаро муносабатлари**

Компания АҚ алоқа операторлари тармоқларига тўғридан-тўғри халқаро чиқишлиарга эга бўлиб, чет эл операторларига трафик транзити бўйича халқаро операторлар ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, деярли исталган сифимда халқаро рақамли каналларни ижарага беради.

Электр алоқаси соҳасида Минтақавий ҳамжамият операторлари кенгаши таркибига киради, бошқа қатор халқаро ташкилотларда иштирок этади.

Компания халқаро алоқа операторлари билан ўзаро фаолият юритади, халқаро телекоммуникация лойиҳаларида иштирок этади, хорижий операторлар ва телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорлик қиласи.

Компаниянинг халқаро чегара олди ўтиш нукталарини ташкиллаштириш бўйича олиб борган ишлари натижасида Компаниянинг телекоммуникация тармоғи қуидаги чегара олди давлатлари: Қозогистон Республикаси, Туркменистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси телекоммуникация тармоқлари билан туташ нукталарига эга бўлди. Мавжуд халқаро алоқа линияларини кенгайтириш ва янгиларини куриш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Компаниянинг Германия Федератив Республикаси ҳамда Россия Федерацияларида ташкил этилган мавжудлик нукталари орқали телекоммуникация операторлари билан алоқа каналларини ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Компания 15 та давлатнинг 23 дан ортиқ операторлари билан халқаро телефон каналларни ташкиллаштирган, халқаро операторлар билан телефон трафик алмашуви 4 та Халқаро коммутация маркази (ХКМ), Ўзбекистон



Республикасида фаолият кўрсатаётган интернет провайдерларга халқаро интернет тармоғига уланиш хизматлари Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали амалга оширилмоқда.

### **3. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”АКНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ**

“Ўзбектелеком” АК томонидан 2021-2023 йилларда мобайнида тармоққа янги технологияларни киритиш, янги хизмат турларини жорий этиш ва даромадларни ошириш, шунингдек, магистрал, мобил тармоғини, зонаичи ва маҳаллий тармоқларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва захиралаш бўйича бир қатор аҳамиятли тадбирлар режалаштирилган. Жумладан:

- “Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини (Дата-центр) ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК халқаро пакетли коммутация марказларини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация транспорт тармоғи ва маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АКнинг шарқий минтақада кенг полосали кириш тармоғини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” мобиль алоқа операторининг шарқий минтақада кенг полосали кириш тармоғини модернизация қилиш”, “Ўзбектелеком” АКнинг кенг полосали телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш”, “Магистрал транспорт тармоғини кенгайтириш (DWDM)”, “Тошкент шаҳрида маълумотлар узатиш транспорт тармоғини кенгайтириш (IP/MPLS)” лойиҳасини амалга ошириш;
- 4G ва 5G технологияларидан фойдаланган ҳолда уяли алоқа тармоғини ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларини бешинчи авлод алоқа тармоқлари билан босқичма-босқич қамраб олиш;
- кенг полосали алоқа хизматларидан фойдаланиш учун барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий обьектларни оптик толали ва уяли алоқа тармоқлари билан қамраб олишни таъминлаш;
- истеъмолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни, шу жумладан технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳоли ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун интеллектуал тизимларни жорий қилиш доирасида босқичма-босқич жараёнларни таъминлаш учун ягона инфратузилмани ишлатадиган кенг полосали уланишни, қўп хизматли тармоқларни ривожлантириш;
- “Ўзбектелеком” АКнинг гарбий минтақада кенг полосали кириш тармоғини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;

- “Ўзбектелеком” АКнинг BNG ва DPI ускуналарини ўтказувчанлик кувватини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК ҳалқаро пакетли коммутация маркази ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК маълумот узатиш тармоғининг хизмат кўрсатиш ядроси ўтказувчанлигини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК эҳтиёжлари учун ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун охирловчи курилма (ONT модем)ларни харид қилиш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Ўзбектелеком” АК лойиҳаларини амалга ошириш ва эҳтиёжлари учун оптик сплиттерлар харид қилиш” лойиҳасини амалга ошириш;
- “Видеоконференцалака (ВКС) тизимини такоммиллаштириш ва кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш;
- ижтимоий аҳамиятга эга “Туризм зоналарини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш ва Wi-Fi зоналарини ташкил этиш”, Ижтимоий обьектларга (мактаб, боғча, соғлиқни сақлаш), Республика ҳудудида “Хавфсиз шаҳар” тизими жорий этиш доирасида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш, кўп қаватли уйларгача телекоммуникация тармоқларини етказиш каби бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, лойиҳаларнинг асосий мақсади қўйидаги обьектлар учун юқори сифатли телекоммуникация хизматлари, жумладан, кенг полосали уланиш ва мобил алоқа ташкил этишга қаратилган:

- уй хўжаликлари;
- маъмурий ва жамоат бинолари;
- таълим муассасалари;
- тиббиёт муассасалари;
- тижорат бинолари ва саноат обьектлари.

Ривожланиш дастурига мувофиқ, ижтимоий аҳамиятга эга барча обьектларнинг кенг полосали тармоққа уланиш тезлиги юқори бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4329-сон қарори ва бошқа Ҳукумат қарорларига мувофиқ:

- 2,3 млн. портга тенг кенг полосали кириш курилмаларини ўрнатиш;
- Бухоро ва Кўконда шаҳарларида умумий куввати 100 Пбайтга тенг Дата марказ қуриш;
- “Ўзбектелеком” АК мобил алоқа қамровини кенгайтириш;
- Ҳалқаро пакетли коммутация марказини, хизмат кўрсатиш ядросини, маълумотлар узатиш тармоқларини ўтказувчанлигини ошириш;

- Магистрал транспорт тармоғини ўтказувчанлигини ошириш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Лойиҳаларни Компаниянинг ўз маблағлари, жалб қилинадиган кредит маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш доирасида Бизнес режага кўра қисқа муддатда умумий узунлиги 21656,9 км бўлган оптик алоқа линияларини қуриш, FTTx портлари сонининг 2373,8 минг донага кўпайиштириш, 1744 та таянч станцияларни қуриш ва модернизация қилиш, 233 та Wi-Fi уланиш имкониятини яратиш назарда тутилган. Мақсад кўрсаткичлари худудлар кесимида 1-жадвалда акс эттирилган:

#### 1-жадвал

№	Номи	ОТАЛ курилиши, км.	FTTx портлари ошириш (мингта порт)	Мобил база станциялар куриш	Wi-Fi зоналар
1.	Қорақалпоғистон р.	2500,7	159,3	158	204
2.	Андижон	1598	12,5	179	6
3.	Бухоро	1521,4	260	107	20
4.	Жиззах	635	92,3	67	12
5.	Қашқадарё	1504	275,3	195	20
6.	Навоий	1536,9	118,8	124	20
7.	Наманган	2080,9	190	133	20
8.	Самарканд	1657,4	329,6	171	20
9.	Сурхандарё	1428,4	139,8	104	20
10.	Сырдарё	1090,7	77,4	73	15
11.	Фарғона	1712,7	321,9	152	20
12.	Хоразм	1550,1	196,5	128	20
13.	Тошкент	2841,3	200,4	153	20

Бизнес режа доирасида мамлакатимиз худудларида кенг полосали уланиш ва Интернетга уланишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар, хусусан, 5074 - Мактабгача таълим вазирлигининг муассасалари, 9808 - Халқ таълими вазирлигининг муассасалари, 3257 - соғлиқни сақлаш обьектлар, минтақалар бўйича батафсил статистика 2-жадвалда келтирилган:

#### 2-жадвал.

№	Номи	Мактабгача таълим муассасалари	Халқ таълими муассасалари	Соғлиқни сақлаш муассасалари
1.	Қорақалпоғистон р.	411	574	212
2.	Андижон	459	785	272
3.	Бухоро	386	572	280
4.	Жиззах	185	588	184
5.	Қашқадарё	350	1140	299
6.	Навоий	178	395	163
7.	Наманган	547	706	255
8.	Самарканд	577	1216	414

2016 йилдан 2020 йил якунигача 50 минг километрдан кўп оптик толали алоқа линиялари қурилган ва республика бўйлаб уларнинг умумий узунлиги 72,1 минг километрга етказилган. 2021 йил якунига қадар умумий 50 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлигини 122,1 минг километрга етказиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа доирасида ижтимоий соҳа объектларига қадар юқори тезликдаги Интернет хизматларини етказиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилган. Бунда мактабгача таълим тизимининг 4751 та объектларига қадар 2654 км., соғлиқни сақлаш тизимининг 2806 та объектларига қадар 1883 км. ва ҳалқ таълими тизимидағи 7376 та объектларга қадар 8695 км оптик толали алоқа линиялари қурилган.

Интернет тармоғига кенг полосали уланиш портларини кенгайтириш бўйича олиб борилган лойиҳалар доирасида портлар сони 559 мингтадан 2,3 млн. донага етказилди. 2021 – 2022 йилларда ушбу портлар сонини деярли 2 баробарга кенгайтириб, 4,6 млн. донага етказиш режалаштирилган.

Мобил алоқа таянч станциялари микдори 5142 тадан 18317 тага ва қамров доираси эса 91 % га етказилди. Шунингдек, барча мобил алоқа таянч станциялари 2G технологиясидан 3G ва 4G технологияларига модернизация қилинди. 2021 йилда таянч станциялари сонини 20000 тага етказиш бўйича ишлар олиб борилиб, аҳоли пунктларининг 95 % мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш режалаштирилган. Шу билан бирга 5G тармоғини истиқболли ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, хозирда 10 та 5G таянч станциялари ўрнатилган ва тест синовларидан ўтказилмоқда.

Компаниянинг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини қуриш ва унинг ҳажмини кенгайтириш бўйича лойиҳалари доирасида 2016 йилда қурилган, ҳажми 1,2 Пбайт бўлган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ҳажми 5 Пбайтга кенгайтирилиб, 6,2 Пбайтга етказилди. Ҳозирги кунда янги 5 Пбайт ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга кейинги 2 йилда умумий ҳажми 100 Пбайт тенг бўлган бўлган 3 та янги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказлари қурилиши режалаштирилган.

#### **4.3. Режалаштирилган кўрсаткичлар ва уларга эришиш шартлари**

Бизнес-режада 2021-2023 йилда Компаниянинг тўғридан-тўғри тижорат фаолияти орқали даромадларни янада ошириш чораларини кўриш режалаштирилган. Хусусан,

##### **1. Интернет тармоғига уланиш хизматлари**

2020 йилда Компания бўйича Маълумотлар узатиш хизматларидан олинган даромад 862,2 млрд. сўмни ташкил этди. 2023 йилда бу кўрсаткични

2,5 баравардан кўпроққа ошириб, 2201,2 млрд. сўм даромад олиш режалаштирилган.

Бу даромадга эришиш учун, ташки Интернет каналини ўз вақтида кенгайтириш, тармоқ ривожланишини таъминлаш, техник ходимларининг хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, хизматлар барқарорлигини ошириш зарур. Бундан ташқари, сотиш сифатини ошириш ва мижозларнинг табий кетишини камайтириш бўйича вазифаларни самарали амалга оширишни таъминлаш зарур.

2. Мобил алоқа хизматларидан олинган даромад 2020 йилда 1700 млрд. сўмни ташкил этишган бўлса, 2023 йилга келиб, 2696 млрд. сўмга етказиб, 59 фоизга ошириш режалаштирилган. Ушбу ўсиш суръатига эришиш учун келгуси йилларда алоқа қамровини кенгайтириш, тармоқни модернизация қилиш ҳамда сотув режаларини бажариш, абонентларни ушлаб қолиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш керак.

3. Каналларни ижарага беришдан олинган даромад 2020 йилда 302,7 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилда амалдаги тариф режаларини кескин арzonлаштириш натижасида 2023 йилга келиб, ушбу хизматдан кутилаётган даромад 17%га камайиб, 250,7 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

#### 4. UzCloud хизматлари (Дата марказ)

2023 йилга келиб, маълумотлар маркази хизматлари кутилаётган даромад 18,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбтана 3,7 бараварга ошиши кутилмоқда. Хизматларни сифатли тақдим этиш, янги хизматларни тўғри маркетинг ёндашув билан илраги суриш ва сотиш каби шартларнинг бажарилиши орқали даромад кўрсаткичларига эришиш мумкин.

#### 5. Call-марказ хизматлари бўйича:

2020 йилда қўнгироқлар маркази интеллектуал хизматларидан олинган даромад 12,7 млрд. сўмни ташкил этди. 2023 йилда бу кўрсаткични 7%га (833 млн. сўм) ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг учун виртуал қўнгироқлар маркази лицензиялари сонини ошириш ва хизматларни сотиш юзасидан тегишли маркетинг ёндашуви керак бўлади.

#### 6. Халқаро ва шаҳарлараро ҳамда маҳаллий телефон алоқаси

2023 йилда халқаро ва шаҳарлараро телефон хизматларидан даромад 33,1 млрд. сўмни, маҳаллий телефон алоқаси хизматларидан 98,2 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

#### 7. Телеграф алоқаси

Телеграф хизматларидан даромад 2023 йилда 499 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

8. 2023 йилда қурилмаларни сотишдан кутилаётган даромад 3,4 млрд. сўмга етиши режалаштирилган, бунинг учун омбор ва савдоофисларига қурилмаларни ўз вақтида керакли микдорда етказиб берилиши керак бўлади.

#### **4.4. Режалаштирилган тадбирлар**

Сўнгти йилларда Компания томонидан амалга оширилаётган реклама тадбирлари Компаниянинг брендлари имиджини ошириш, янги хизмат турлари ва тариф режаларни кенг оммага етказишга йўналтирилган эди.

2020 йилдан бошлаб Республика телекоммуникация хизматлари бозорида Компаниямиз барча спектрдаги телекоммуникация хизматларини ягона савдо белгиси UZTELECOM™ остида кўрсатиб келинмоқда.

Компания хизматларининг B2B/B2G бозорларига кириб бориши даражасининг пастлиги, шунингдек бу бозорларнинг катта салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишларда фаолиятни кучайтириш режалаштирилган. Жумладан:

1. B2B/B2G сегментларида хизматларни сотиш самарадорлигини ошириш мақсадида филиалларда, шу билан бир қаторда Компания ижроия аппаратида B2B/B2G сотувлари менеджерларининг тўлақонли жамоасини шакллантириш;

2. B2B/B2G сегментида бозор иштирокчилари орасидаги юқори рақобатни ҳисобга олиб, тижорат таклифларининг мослашувчан механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

3. B2B/B2G сотувларида менеджерлар иштирокини ошириш, уларни жалб қилиш мақсадида сифатли ва юқори даромад келтиришга қаратилган маҳсус рағбатлантириш дастурини яратиш;

4. Техник тадқиқотлар ва уланишлар бўйича жараёнларни оптималлаштириш масалалари доирасида Компаниянинг ички тартиб-қоидаларини кўриб чиқиш. Жумладан, қисқа муддатларда “охирги мил”ни ташкиллаштириш бўйича прогноз ва кейсларни максимал самарали ҳисоблашга, катъий “кейс” ёндашувидан келиб чиқиб абонентларни улашни ва уларга техник хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартиришга қаратилган тартиб ва регламентларни ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини амалга ошириш, B2B/B2G сегментини 90% қамраб олиш имконини беради.

B2C бозори учун мавжуд сотув каналларини кўриб чиқиш кўзда тутилган, шу қаторда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ташки сотув каналларини яратиш, хусусан қуйидагилар режалаштирилган:

1. B2C бозорида иштирокчилар орасида рақобатнинг юқорилигини ҳисобга олиб, рақобатбардош тариф режалари ва таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

2. B2C сегментида сотувлар самарадорлигини ошириш мақсадида, савдо ва хизмат кўрсатиш менеджерларининг тўлақонли жамоасини шакллантириш ва Компания дилерлик тармоғини ривожлантириш.

3. Мавжуд савдо оғисларини оптималлаштириш ва ислоҳ қилиш, рақобат даражасида мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш.

4. Тижоратда менеджерлар иштирокини ошириш, уларни жалб қилиш мақсадида сифатли ва юкори даромад келтиришга қаратилган махсус рағбатлантириш дастурини яратиш.

Шунингдек, айни вактда бозорда Компаниянинг телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи оператор сифатида абонентларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида куйидаги чораларни амалга ошириш, хусусан:

1. Абонентларнинг хизмат кўрсатиш сифатидан қониққанлигини аниқлаш мақсадида бозор тадқиқотларини ўтказиш, Компаниянинг заиф томонларини аниқлаш, Компаниянинг телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи оператор сифатида истеъмолчиларга тавсия этиш ва хизмат кўрсатишга тайёр еканлигини аниқлаш.

2. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, хизмат сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, Компаниянинг заиф томонларини оптималлаштириш ва қучли томонларини қадрият сифатида шакллантириш.

3. Тасдиқланган режага мувофиқ ишларни амалга ошириш ва пост-таҳлил ўтказиш.

Тижорат учун кенг кўламли мақсадларни ҳисобга олган ҳолда, бюджет кўрсаткичларининг жорий ҳисботини ва мониторингини қайта кўриб чиқиш керак бўлади, шу ўринда:

1. Сотув режаси/факт бўйича ҳафталик ҳисбот тизимини ва ойлик ҳисбот тизимини жорий қилиш;

2. Башорат қилиш ва тузатишга асосланган режа бажарилишини назорат қилиш механизмини шакллантириш;

3. Ҳисбот даврида бошқаришнинг мослашувчан қобилияти маълум бир кўрсаткичга йўналтирилган режаларни сифатли бажаришга қаратилган рағбатлантириш тизимини яратиш.

#### **4.5. Маҳаллий операторлар билан муносабатлар**

Компания республикада телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи мобил алоқа операторлари ва интернет провайдерларга шартномавий муносабатлар асосида хизмат кўрсатмоқда. Уларга интернет тармоғига уланиш, тармоқлараро уланиш (интерконнект), транспорт тармоқларини ижарага бериш, Uz-IX ва Tas-ix тармоқларига уланиш ҳамда бошқа турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этмоқда.

Жумладан, 2020 йилда Ҳалқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) га уланган оператор ва провайдерларга ажратилган тезлик 623 201 Мбит/с дан 900 201 Мбит/с га етказилиб, 273 000 Мбит/с га оширилди. 2020 йилда эса 900 201 Мбит/с дан 1 050 000 Мбит/с етказиш режалаштирилган. Ташқи интернет каналига уланиш бўйича операторларга 1 Мбит/с учун нарҳлар 2020 йилда 56 049.20 сўмдан 45 021,2 сўмга пасайтиришга эришилди. 2021-2023 йилларда давомида операторларга 1 Мбит/с ташқи Интернет канали

нархини халқаро ҳамкорлар билан келишувлар ҳамда тезликни ошириш ҳисобига пасайтириш кўзда тутилган.

## **5. КОМПАНИЯНИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ ТЕХНИК ЭСПЛУАТАЦИЯСИ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРИ**

### **5.1. Телекоммуникация тармоғининг техник эсплуатация таҳлили**

2020 йил мобайнида “Ўзбектелеком” АҚ томонидан телекоммуникация тармоғини жадал суръатлар билан ривожлантириш борасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғида АТСларнинг умумий ўрнатилган сифими жорий йил якунига келиб, 2069,2 минг рақамни, шундан шаҳар телефон тармоғида 1959,6 минг рақамни, қишлоқ телефон тармоғида 109,6 минг рақамни ташкил этиб, рақамлаштириш даражаси 100 фоизга етказилди. 2021 йилда АТСларнинг умумий ўрнатилган сифими 2100,0 минг рақамга етказилиши режалаштирилган.

Ўрнатилган сифимдан фойдаланиш коэффициенти умумий ҳисобда Компания бўйича 72 фоизни, шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари бўйича мос равища 72 фоиз ва 68 фоизни ташкил этди.

Маҳаллий телекоммуникация тармоғида умумий узунлиги 72167,9 км кабелдан фойдаланилади, шу жумладан ШТТ – 58705,16 км ва КТТ – 13462,74 км. Ҳаво алоқа линиялари узунлиги 31521,0 км, шу жумладан ШТТ – 19651,56 км, КТТ – 11869,4 км.

### **5.2. Компаниянинг телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ишлашини таъминлаш**

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва ҳажмини янада ошириш мақсадида компаниянинг 2020 йил 13 январдаги 14-сон буйруғи билан “Ўзбектелеком” АҚда телекоммуникация тармоқларида техник эксплуатацияни яхшилаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш дастури” тасдиқланган. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларга асосан телекоммуникация тармоғидаги станция ва линия иншоотларини таъмирлаш, магистрал ва станциялараро кабелларини ДҲБОга қўйиш ҳамда уларнинг қобиги бутлигини сақлаш, линия-кабел хўжалигини муҳофазасини таъминлаш ва бошқа бир қатор ишлар олиб борилди.

Олиб борилган ишлар натижасида 2300 та тарқатиш жавонлари, 40000 та ЯКГ/КРТлар, 17347 та телефон қудуклари, 36000 та алоқа устунлари, умумий узунлиги 4600 км ҳаво алоқа линиялари ва 4900 км абонент кириш симлари, техник меъёрларга келтирилди ва таъмирланди.

Шу билан бирга линия кабель хўжаликларни техник меъёрларга келтириш, таъмирлаш ва янги ҳудудларни телефонлаштириш мақсадида умумий узунлиги 868 км ТПП русумли ҳар хил сифимли кабеллар, 580 км UTP ҳамда 330 км ГСП турдаги алоқа симлари ҳамда 1000 дона алоқа қудуғлари филиалларга ажратилган.

“Ўзбекистон Республикаси магистрал телекоммуникация тармоқлари ва ахборот-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида объекталардаги климатехника шароитини яхшилаш мақсадида, 60 комплект “Stulz-221A” русумидаги прецизион кондиционерлар ва объектларни захира электр энергияси манбаи билан таъминлаш мақсадида, 113 комплект 6,5 кВт, 40 кВт, 48 кВт, 64 кВт, 100 кВт ва 800 кВт қувватга эга бўлган “Tellhow” ва “RID” русумидаги дизель-генератор қурилмалари харид қилиниб, “ТТТ”, “Ўзмобайл” ва ҳудудий филиалларга тақсимланиб, ўрнатилди.

“Ўзбектелеком” АК томонидан қурилишлар манзилли дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида, ҳар хил қувватга эга бўлган жами 6260 дона аккумулятор батареялари харид қилиниб, “Ўзмобайл” ва ҳудудий филиалларига тақсимланди ва ўрнатилди.

Телекоммуникация объектларидаги климатехника шароитини яхшилаш мақсадида, ARTEL русумидаги 259 комплект 18000BTU, 24000BTU, 48000BTU, 60000BTU совутиш қувватига эга бўлган кондиционерлари харид қилиниб, Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, “ТШТТ”, “БКМ” ва “ТТТ” филиалларига ажратилди. Кондиционерларнинг соз ҳолатини таъминлаш мақсадида турли ўлчов, таъмирлаш асбоблари ва эҳтиёт қисмлари харид қилиниб филиалларга ажратилди.

“Коммутация марказларини IMS технологияси бўйича такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида, Қорақалпогистон Республикаси филиалининг Нукус АМТС обьекти электр таъминоти тизимини қувватини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида, 2 дона ТМ-630/6/0,4 русумли кучланиш трансформаторлари, Сирдарё филиалининг Гулистон АМТС обьектига 2 дона ТМ-400/10/0,4 русумли кучланиш трансформаторлари ва Навоий филиалининг Кармана ТТБ обьектига 1 дона ТМГ-160/10/0,4 русумли трансформатори харид қилинди ва ўрнатилди.

### **5.3. 2021-2023 йилларда Компания телекоммуникация тармоқларини меъёрда сақлаш учун моддий ресурслар базаси**

“Ўзбектелеком” АК ўз даромадларини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини янада ошириш

мақсадида маҳаллий телекоммуникация тармоқларида линия кабел хўжалигини техник меъёрга келтириш, телекоммуникация қурилмаларини узлуксиз ва барқарор ишлишини таъминлаш бўйича, қурилмаларга сервис хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш, дизел-генератор ва аккумулятор батареялар ўрнатиш, замонавий хизматларни (IPTV, IP-телефония/видеотелефония ва бошқалар) жорий этиш бўйича уй ва хонадонларгача ОТАЛ қуриш ишлари режага асосан амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларида станция иншоотларининг узлуксиз ва барқарор ишлишини таъминлаш ҳамда линия-кабел хўжалигини техник меъёрда сақлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида йиллик “Дастур” режалари учун Компания:

- маҳаллий телефон тармоғининг линия-кабель хўжаликларини техник меъёрларга келтириш мақсадида 6651 та ТЖлар, 47829 та ЯКГ/КРТлар, 12284,3 км абонент кириш симлари, 12450,4 км ҳаво алоқа линиялари, 40258 та телефон қудуклари, 120192 та алоқа устунлари, 2100 та ОТЖлар, 8000 та FTTx жавонлар, 15000 та сплиттер қурилмалари ҳамда 3333,0 км оптик абонент кириш симлари жорий таъмирлаш;

- кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини янада ошириш, тармоқни ривожлантириш мақсадида UTP ва оптик толали алоқа кабеллари ҳамда П-274, ва ТРБН абонент сим маҳсулотлари;

- телекоммуникация тармоғининг алоқа линияларига техник хизмат кўрсатаётган ходимлар учун зарур ўлчов ва техник воситалари жумладан, скалыватель, рефлектометр, оптик пайвандловчи ускуна, тестер харид этилиши режалаштирилган;

- телекоммуникация қурилмаларининг узлуксиз ва барқарор ишлишини таъминлаш мақсадида эксплуатацияда бўлган қурилмаларга техник хизмат кўрсатилиши ҳамда захира қисмлар билан таъминланиши кўзда тутилган.

- Компания телекоммуникация тармоғида эксплуатация қилинаётган қурилмаларнинг узлуксиз ва сифатли ишлишини таъминлаш мақсадида қурилмаларга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш учун маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

## **6. “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ**

### **6.1. Компанияда меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги**

2021 йилда Компания бўйича ўртacha ходимлар сони 16704 тани ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 463 тага кўп режалаштирилган.

Янги технологиялар билан ишловчи малакали мутахассисларни жалб этиш ва ишловчи ходимларни сақлаб қолиш, ходимлар турмуш даражасини

мунтазам ошириши мақсадида Компания бўйича иш ҳаки фондининг ўсиш суръати 22 фоиз, 2021 йил якунларига кўра ўртача ойлик иш ҳаки 4180,1 минг сўмга етказилади, ўсиш суръати 18 фоизни ташкил этади.

## **6.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиши зарурияти ва ўқитишини ташкил этиши**

“Ўзбектелеком” АК фаолиятини янада ривожлантириш, унинг истиқболини белгилашда малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, республикамиз ва ҳориждаги жаҳоннинг энг илғор фан ва технологиялари ютуқларини ва замонавий технологияларини жорий қилган етакчи олий таълим муассасалари ҳамда малака ошириш марказлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадбирларни давом эттириш мақсадида, 2021 йилда 7707 нафар Компания ходимларининг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, 1447,4 млн сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида - 1 нафар;
- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида - 5 нафар;
- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида - 1 нафар;
- Ҳорижий ўқув муассасаларида - 5 нафар ходимларни мақсадли тайёрлаш;
- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Альпинистлар Федерацияси, Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторларнинг ўқув курси ("ACCA ДипИФР") ва республикамиздаги бошқа малака ошириш ўқув марказларининг қисқа муддатли ўқув курсларида ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, компания ижроия аппарати, филиал ва корхоналарида маҳсус ўқув дастурлар, турли семинарлар, конференциялар, техник ўқув машғулотлар ўтказилиши ҳамда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг амалий тажрибасини ва малакасини ошириш белгиланган.

2022 йилда 6689 нафар Компания ходимларининг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, 1582,8 млн сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шу жумладан:

- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида - 5 нафар;

- Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида - 2 нафар;
- Республикадаги бошқа олий таълим муассасаларида – 6 нафар;
- Хорижий ўкув муассасаларида - 5 нафар ходимларни мақсадли тайёрлаш;
- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Альпинистлар Федерацияси, Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторларнинг ўкув курси ("ACCA ДипИФР") ва республикамиздаги бошқа малака ошириш ўкув марказларининг қисқа муддатли ўкув курсларида ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, компания ижроия аппарати, филиал ва корхоналарида маҳсус ўкув дастурлар, турли семинарлар, конференциялар, техник ўкув машғулотлар ўтказилиши ҳамда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг амалий тажрибасини ва малакасини ошириш белгиланган.

2023 йилда 6513 нафар Компания ходимларининг малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, 1530,4 млн сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шу жумладан:

- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида - 5 нафар;
- Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида - 2 нафар;
- Республикадаги бошқа олий таълим муассасаларида – 8 нафар;
- Хорижий ўкув муассасаларида - 5 нафар ходимларни мақсадли тайёрлаш;
- Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Альпинистлар Федерацияси, Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторларнинг ўкув курси ("ACCA ДипИФР") ва республикамиздаги бошқа малака ошириш ўкув марказларининг қисқа муддатли ўкув курсларида ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, компания ижроия аппарати, филиал ва корхоналарида маҳсус ўкув дастурлар, турли семинарлар, конференциялар, техник ўкув машғулотлар ўтказилиши ҳамда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг амалий тажрибасини ва малакасини ошириш белгиланган.

## 7. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

### 7.1. Компаниянинг асосий фаолиятидан даромадлари

2020 йилда “Ўзбектелеком” АҚ нинг жами даромади (ҚҚСиз) 4682,9 млрд сўмни ташкил этди, режа 107 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 42 фоизни ташкил этди.

**1-жадвал. Жами даромадлар таркиби (КҚСсиз), млн. сўм**

T/p	Кўрсаткичлар номи	2019 йил	2020 йил		Режа баж.	Ўсиш суръати, фоиз
			режа	амалда		
1	Асосий фаолиятдан олинган даромад	3 082 492	4 124 870	4 474 230	108%	145%
2	Бошқа даромадлар	65 144	90 726	82 814	91%	127%
3	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	160 265	144 788	125 816	87%	79%
	<b>Жами</b>	<b>3 307 901</b>	<b>4 360 383</b>	<b>4 682 859</b>	<b>107%</b>	<b>142%</b>

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар 4474,2 млрд. сўмни ташкил этди, бизнес-режанинг бажарилиши 108 фоизни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 45 фоизни ташкил этди. “УзМобайл” филиалининг жами даромадлари 1715,9. млрд сўм бўлиб, шундан мобил алоқа хизматларидан 1699,7 млрд. сўмни ташкил этган.

**Экспорт хизмати кўрсаткичларининг бажарилиши.** 2020 йил якунлари бўйича Вазирлик томонидан экспорт хизмати АҚШ доллари валюта қийматида белгиланган режаси 100,4 фоизга бажарилиб, 133,45 млн. АҚШ долларини ташкил этди (режа 132,98 млн. АҚШ долл.).

Компания кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар Халқаро электралоқа Регламенти ва Халқаро электралоқа иттифоқи тавсияларига ҳамда тузилган битимлар (шартномалар)га мувофиқ сальдо асосида амалга оширилади.

**Харажатлар.** “Ўзбектелеком” АКнинг жами харажатлари 2020 йилда 4596 млрд. сўм бўлиб, бизнес режа 106 фоизни ташкил этган.

Компания бўйича ишлаб чиқариш таннархи харажатлари 2378,8 млрд сўмни ташкил этиб, бизнес-режада белгиланган кўрсаткичлар 97 фоизга бажарилди. Жами харажатларининг 52 фоизини ташкил этади.

5-жадвал. 2020 йил харажатлари, млн сўм

Кўрсаткичлар номи	2019 йил	2020 йил					Ўсиш суръати
		Режа	Амалда	Бажар илиши	Фарқ	Харажат лар улуши	
A	1	2	3	4=3/2	5=3-2	6	7=3/1
Ишлаб чиқариш харажатлари	1 506 181	2 443 345	2 378 753	97%	-64 593	52%	158%
Давр харажатлари, жами:	786 616	931 350	1 049 768	113%	118 418	23%	133%
<i>Сотии харажатлари</i>	208 684	298 550	316 142	106%	17 592	7%	151%
<i>Маъмурий харажатлар</i>	163 978	229 225	216 214	94%	-13 010	5%	132%
<i>Бошқа операцион харажатлар</i>	413 953	403 575	517 412	128%	113 837	11%	125%
Молиявий фаолият харажатлари	994 761	966 275	1 167 513	121%	201 238	25%	117%
<b>Жами</b>	<b>3 287 558</b>	<b>4 340 971</b>	<b>4 596 034</b>	<b>106%</b>	<b>255 064</b>	<b>100%</b>	<b>140%</b>

Халқаро алоқа импорт хизматлари бўйича харажатлар 2020 йил давомида режага нисбатан 118 фоизни ташкил этди. Мазкур турдаги харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг 38 фоизини ташкил этади.

Иш ҳақи харажатлари режага нисбатан 87 фоиз, ишлаб чиқариш харажатларининг 16 фоизини ташкил этди.

Солиқ ва мажбурий тўловлар 45 млрд сўм бўлиб, режага нисбатан 87 фоизни ва ишлаб чиқариш харажатларининг 2 фоизини ташкил этди.

Материал харажатлар 198,8 млрд сўмни, бино ижараси харажатлари 27,6 млрд сўмни ташкил этиб, режага нисбатан тежалган.

Шунингдек, интерконнект харажатлари, бино, транспорт, ЭҲМ, компьютер, қурилмалар таъмиrlаш харажатлари, сугурта, баҳолаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги харажатлари, автотранспорт воситаларини таъмири ва хизмат кўрсатиш, ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда хизмат сафари учун режалаштирилган харажатлар ўрта ҳисобда 47 фоизга тежалди.

Компания томонидан 2020 йил давомида 517,4 млрд сўмлик **бошқа операцион харажатлар** амалга оширилган. Мазкур харажатлар режага нисбатан 128 фоизни ташкил этган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоиз ортган.

## **7.2. 2021-2023 йилларга молиявий-иктисодий режа**

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иктисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида, 2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ трансформацияни амалга ошириш мақсадида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси қуийдаги ишларни амалга оширмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Баш вазир раислигига 2021 йил 26 февраль куни “Ўзбектелеком” АКни трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар тўғрисида” йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда кўрилган масала ва топшириқлар 45-баённомада акс эттирилди ва Компаниянинг трансформацияси бўйича янгиланган Йўл харита тасдиқланди;

МХХС бўлими ташкил қилиниб, бўлимга малакали мутаҳассислар жалб қилинди;

Компаниянинг 2018 йил 1 январ холатига бўлган узоқ муддатли активлари халқаро стандартлар асосида “ERNST & YOUNG VALUATION” компанияси томонидан баҳоланди;

2018, 2019, 2020 йиллар учун молиявий ҳисботлар МХХС асосида тайёрланди;

МХХС асосида тайёрланган ҳисботларни аудитдан ўтказиш учун “DELOITTE” компанияси билан шартнома имзоланди;

Халқаро кредит рейтингини олиш графиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Халқаро рейтинг агентлигини танлаш учун Техник топшириқ ишлаб чиқилган, танлов ўтказилмоқда;

“Ўзбектелеком” АКнинг операцион самарадорлигини ошириш ва ўрта, узоқ муддатли стратегияларини қайта кўриб чиқиш учун нуфузли консультантни жалб қилиш мақсадида Техник топшириқ ишлаб чиқилди, танлов ўтказилмоқда;

Харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар:

Компания структурасида «мувофиқлик тизими» (комплаенс) бўйича бошқарма ташкил қилиш мақсадида Акционерлар умумий йиғилиши янги таҳрирдаги структурани тасдиқлади;

Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинди;

“Ўзбектелеком” АҚ томонидан Одоб-аҳлоқ кодекси, Ахборот сиёсати тўғрисидаги, Дивиденд сиёсати тўғрисидаги, Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси тўғрисидаги ва Кузатув кенгашининг кадрлар ва рағбатлантириш бўйича қўмитаси тўғрисидаги Низомлари Компания Акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланди;

Корпоратив бошқарув тизими ҳар йили баҳоланиб такомиллаштириб борилмоқда;

ISO 9001:2015 сифат менеджменти тизими жорий қилинди;

Харидларни аудитдан ўтказиш мақсадида техник топшириқ ишлаб чиқилган, танлов ўтказилмоқда.

2021 йил учун Бизнес режа ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, 2021-2023 йиллар учун ишлаб чиқилган узок муддатли стратегия қайта кўриб чиқилмоқда.

Компаниянинг инвестиция лойиҳалари хатловдан ўтказилди. Барча режалаштирилган лойиҳалар фаол ҳолатда, молиялаштириш манбалари белгиланган.

**Компаниянинг 2021-2023 йиллар учун молиявий стратегиясини амалга ошириш натижасида, қуйидаги асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар бажарилиши таъминланади:**

Компаниянинг асосий фаолиятдан олинадиган даромади 2021 йилда 25 фоизга ошади ва 5,6 триллион сўмни ташкил этади, 2022 ва 2023 йилларда ўсиш суръати пасаяди, аммо 2021 йилга нисбатан мос равища 0,6 ва 1,4 трлн сўмга ошади.

Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг асосий қисми қуйидагилардан иборат:

-халқаро алоқа операторларининг даромадлари – 2021-2023 йилларда ўртacha 25%га ошади ва 2023 йилга келиб 1,66 триллион сўмга этади;

- маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан тушумлар – 2021 йилда 52%га ошиб 1,3 трлн.сўмга, 2022 йилда 23%га ошиб 1,7 трлн. сўмга ва 2023 йилда 29%га ошиб 2,2 трлн.сўмга этади.

- 2023 йилда мобил алоқа хизматларидан тушадиган даромад 2,7 трлн. сўмга этади, бу 2020 йилга нисбатан 59 фоиз ўсиш демакдир.

**Жадвал № 10. «Ўзбектелеком» АК даромадлари прогнози, млн.сўм**

<b>№</b>	<b>Даромад турлари номи</b>	<b>2020 й. факт</b>	<b>2021 й. режа</b>		<b>2022 й. режа</b>		<b>2023 й. режа</b>	
	<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>4 682 859</b>	<b>5 863 153</b>	<b>125,2%</b>	<b>6 296 367</b>	<b>106,6%</b>	<b>7 159 053</b>	<b>113,7%</b>
<b>I</b>	<b>Асосий фаолиятнинг жами даромадлари (Ф-2 010 сатр)</b>	<b>4 474 229</b>	<b>5 597 946</b>	<b>125,1%</b>	<b>6 160 727</b>	<b>106,8%</b>	<b>7 007 868</b>	<b>113,8%</b>
1	Халқаро оператор-лардан даромад	1 351 728	1 427 692	105,6%	1 535 223	104,8%	1 655 759	107,9%
2	Каналларни ижарага беришдан даромад	302 744	243 246	80,4%	238 150	108,9%	250 742	105,3%
3	Халқаро ва шахарларро телефон алоқасидан даромад	37 695	40 226	107,7%	33 029	90,2%	33 051	100,1%
4	Махаллий телефон алоқасидан даромад	104 867	91 445	87,2%	100 851	95,8%	98 208	97,4%
5	Маълумот узатиш тармоғидан даромад	862 179	1 315 008	152,5%	1 702 936	123,3%	2 201 186	129,3%
6	Мобил алоқа хизматидан даромад	1 699 686	2 234 098	131,4%	2 470 378	104,1%	2 696 032	109,1%
7	Дата-марказ хизматидан даромад	4 950	7 858	158,8%	9 519	178,5%	18 143	190,6%
8	Call Center интеллектуал хизматлар даромади	12 707	11 575	91,1%	12 584	106,7%	13 540	107,6%
9	Телеграф алоқа хизматидан даромад	737	757	103,6%	499	79,7%	499	99,9%
10	Курилма сотувидан олинган даромад	3 841	23 161	614,1%	3 259	106,4%	3 368	103,3%
11	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	93 165	202 880	217,9%	54 299	32,4%	37 339	68,8%
<b>II</b>	<b>Бошқа даромадлар (Ф-2 090 сатр)</b>	<b>82 814</b>	<b>60 396</b>	<b>73,1%</b>	<b>52 955</b>	<b>92,3%</b>	<b>60 714</b>	<b>114,7%</b>
<b>III</b>	<b>Молиявий фаолият даромадлари</b>	<b>125 816</b>	<b>204 811</b>	<b>162,8%</b>	<b>82 685</b>	<b>105,2%</b>	<b>90 471</b>	<b>109,4%</b>

2021 йилда кутилаётган ишлаб чиқариш харажатлари 3461,4 млрд. сўмни ташкил этади, 2020 йилга нисбатан 1082,7 млрд. сўмга ёки 45 фоизга ошади. Кейинги даврларда, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш суръати босқичма-босқич пасайиши кузатилмоқда: 2022 йилда ўсиш 11 фоизни (3851,9 млрд. сўм), 2023 йилда эса 19 фоизни (4571,3 млрд. сўм) ташкил қиласи.

Ишлаб чиқариш харажатларида энг катта улуш халқаро алоқа хизматларини импорт қилиш харажатларидир - 29% (2021). 2021 йилга нисбатан 2022 йилда ушбу харажат 184,2 млрд.сўмга ёки 17% ошиб ва 2023 йилга келиб 1246,1 млрд. сўмни ташкил этади, бу 2022 йилга нисбатан 8 фоиз ўсиш.

**Жадвал № 11. «Ўзбектелеком» АК харажатлари прогнози, млн.сўм**

№	Наименование статей затрат	2020 й.факт	2021 й.режа	2022 й.режа	2023 й.режа
2.1.	<b>Ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>2 378 753</b>	<b>3 461 378</b>	<b>3 851 859</b>	<b>4 571 289</b>
2.2.	<b>Давр харажатлари, жами:</b>	<b>1 049 768</b>	<b>1 376 124</b>	<b>1 435 822</b>	<b>1 720 048</b>
2.2.1.	<i>Сотиш харажатлари</i>	316 142	414 959	466 660	560 071
2.2.2.	<i>Маъмурий харажатлар</i>	216 214	286 335	334 465	370 171
2.2.3.	<i>Бошқа операцион харажатлар</i>	517 412	674 831	634 697	789 806
2.3.	<b>Молиявий фаолият харажатлари</b>	<b>1 167 513</b>	<b>983 995</b>	<b>973 305</b>	<b>830 398</b>

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида ҳар йили қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушириб борилади, бу эса ўз навбатида амортизация ажратмаларининг кўпайишига олиб келади. Уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги улуши 2021-2023 йилларда ўртача 22% ни ташкил қиласди.

Барча ишлаб чиқариш харажатларининг 15% ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақига тўғри келади. Тармоқларни қуриш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг аксарияти хўжалик ҳисоби усули билан амалга оширилиши сабабли, ушбу турдаги харажатлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шундай қилиб, иш ҳақи фонди 2021 йилда 498 млрд. сўмдан 2022 йилда 607,5 миллиард сўмгача ўсмокда ва 2023 йилга келиб 729,5 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Компания ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача иш ҳақи 2,9 млн. сўмдан 2021 йилда, 3,5 млн. сўм 2022 йилда, 4,2 млн. сўмга 2023 йилда ўсмокда.

Шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларининг сезиларли қисми (12%) телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва янгилаш учун ишлатиладиган материалларни сотиб олишга тўғри келади, хусусан 2021 йилда 452,7 млрд.сўм, 2022 йилда бу харажатлар 17%га камайиб, яъни 409,9 млрд сўмни ташкил этади ва 2023 йилда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материал харажатлар 521,4 млрд. сўмни ташкил қиласди.

Давр харажатлари 2021 йилда 32 фоизга 331 млрд. сўмга кўпайиб, 1344 млрд.сўмни ташкил қиласди. 2022 йилда ўсиш 60 млрд. сўмни, 2023 йилда эса 284 млрд. сўмни ташкил этади. Энг катта улуш бошқа операцион харажатларга хусусан хайрия, СОРМ харажатлари ва моддий рафбатлантириш бўйича иш ҳақи ҳисобига тўғри келади. Лекин, 2020-2023 йилларда ўсиш суърати сезиларли эмас - 272,4 млрд сўм.

Даромадлар ўсиши билан бевосита боғлиқ бўлган савдо харажатлари, хусусан, дилерлар ва тўлов тизимларига тўланадиган комиссиялар, шунингдек белгиланган режаларнинг бажарилишига қараб ходимларнинг иш

ҳақи бонус тизимиға асосланган харажатлар ўсиши кутилмоқда. 2023 йилга келиб уларнинг ўсиши 2020 йилга нисбатан 243,9 млрд сўмни ёки 77 фоизни ташкил қиласиди.

Маъмурий харажатлар ўсиш суръатлари куйидагича бўлиши кутилмоқда: 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 33%, 2022 ва 2023 йилда 2021 йилга нисбатан мос равишда 11% ва 33%. Умуман олганда, 2023 йилда 2020 йилга нисбатан ўсиш 154,0 миллиард сўмга етади, натижада, 2023 йил охирига келиб ушбу харажатлар 370,2 млрд. сўмни ташкил этади.

2021 йилда молиявий харажатлар 16 фоизга ёки 183,5 млрд.сўмга камаяди ва йил охирига қадар 983 млрд.сўмга етиши кутилмоқда. Камайиш валюта курси фарқидан заарларнинг пасайиши ҳисобига кутилмоқда. Умуман олганда, 2020-2023 йилларда молиявий харажатлар 337,1 миллиард сўмга қисқартирилади ва давр охирига келиб 830,4 миллиард сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаби валютада олинган кредитлар бўйича кечиктирилган курс фарқларини ҳисоблаш даврининг тугашидир.

Компаниянинг 2021-2023 йиллардаги молиявий натижалари куйидагича:

- 2021 йилда соф фойда 20,4 млрд. сўм режалаштирилган, бу 2020 йилга нисбатан 29 фоизни ташкил этади;
- 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 65 фоизга тушади ва 24,7 млрд. сўмни ташкил қиласиди;
- 2023 йил охирига келиб соф фойда яна 3 фоизга ошади ва 25,5 млрд сўмга этади.

Жадвал № 12. «Узбектелеком» АҚ молиявий натижалари прогнози, млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	2020 йил факт	2021 йил режа	2022 йил режа	2023 йил режа
010	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	4 474 229	5 597 946	6 160 727	7 007 868
020	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннахии	2 378 753	3 461 378	3 851 859	4 571 289
<b>030</b>	<b>Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишининг ялпи фойдаси</b>	<b>2 095 477</b>	<b>2 136 569</b>	<b>2 308 868</b>	<b>2 436 578</b>
<b>040</b>	<b>Давр харажатлари</b>	<b>1 049 768</b>	<b>1 376 124</b>	<b>1 435 822</b>	<b>1 720 048</b>
050	Сотиш харажатлари	316 142	414 959	466 660	560 071
060	Маъмурий харажатлар	216 214	286 335	334 465	370 171
070	Бошқа операцион харажатлар	517 412	674 831	634 697	789 806
090	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	82 814	60 396	52 955	60 714
100	<b>Асосий фаолиятнинг фойдаси</b>	<b>1 128 522</b>	<b>820 841</b>	<b>926 001</b>	<b>777 245</b>
<b>110</b>	<b>Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами</b>	<b>125 816</b>	<b>204 811</b>	<b>82 685</b>	<b>90 471</b>
120	Дивидендлар шаклидаги даромадлар	959	946	1 162	1 279
130	Фоизлар шаклидаги даромадлар	22 698	28 764	43 088	59 414

140	Узок муддатли ижара (лизинг) бўйича даромадлар	0	0	0	0
150	Валюта курси фарқидан даромадлар	100 091	175 101	38 434	29 778
160	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2 068	0	0	0
170	<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:</b>	<b>1 167 513</b>	<b>983 995</b>	<b>973 305</b>	<b>830 398</b>
180	Фоизлар шаклидаги харажатлар	177 544	172 707	188 772	163 762
190	Узок муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	15 462	14 779	883	77
200	Валюта курси фарқидан заарлар	970 655	790 081	773 564	654 239
210	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	3 853	6 427	10 087	12 320
220	<b>Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)</b>	<b>86 825</b>	<b>41 657</b>	<b>35 380</b>	<b>37 318</b>
240	<b>Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)</b>	<b>86 825</b>	<b>41 657</b>	<b>35 380</b>	<b>37 318</b>
250	Фойда солиги	17 481	21 234	10 659	11 782
270	<b>Хисобот даврининг соғ фойдаси (зарари)</b>	<b>69 343</b>	<b>20 423</b>	<b>24 721</b>	<b>25 535</b>